Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (13.255)

Баҳоси эркин нархда

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Матбуот маркази Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашган.

Шу куннинг ўзида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

ЎзА

ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙҒУСИГА ШЕРИКДИР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти вафоти ҳақидаги қайғули хабар бутун дунёни қалқитди. Ана шу оғир жудолик муносабати билан хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда чуқур ҳамдардликлар билдирилаётгани баробарида, замонавий Ўзбекистон тарихида Ислом Каримовнинг тутган ўрни, мамлакатимизнинг суверен, демократик ва гуллаб-яшнаётган давлат сифатида шаклланишида буюк Йўлбошчимизнинг беқиёс ҳиссаси хусусида ҳам атрофлича фикр юритилмоқда.

Хусусан, **Франциянинг "TV5Monde"** телеканалида Ўзбекистон мустақиллиги асосчисининг ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишлаб намойиш этилган махсус кўрсатувда "Ислом Каримов чорак аср мобайнида ўз мамлакати барқарорлигини таъминлаган атоқли давлат ва сиёсат арбоби", дея таъкидлаб ўтилди.

Испаниянинг "La Gaceta" газетаси эса Ўзбекистоннинг Биринчи Президентига "Минтақа барқарорлигининг кафолати", деб таъриф берар экан, у нафақат ўз мамлакати, балки хорижий давлатларда ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлгани, дунё аҳамиятига молик муҳим сиёсий масалаларнинг ҳал этилишида алоҳида ўрин тутганини қайд этди. Нашрнинг бош мақоласида келтириб ўтилганидек, Ўзбекистон Ислом Каримовнинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли терроризм ва диний экстремизм сингари хавф-хатарларни енгиб ўтди, барқарор тараққиётга эришиб, жаҳоннинг кўпгина давлатлари билан тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатди ҳамда буни қўллаб-қувватлади.

"El DiarioYa" (Испания) электрон журналида эълон қилинган публицист-диншунос Понсе Алегре қаламига мансуб мақолада эса қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: "Ислом Каримов нафақат буюк етакчи ва машҳур сиймо, балки яхши инсон ҳам эди. У ўз халқига улкан мерос — сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатдан барқарор давлат қолдирди. Сайёрамизнинг айрим ҳудудларида нохуш ҳолатлар рўй бераётган бугунги кунда дунё Ислом Каримовдек раҳбарга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож эканлиги аён бўлмоқда".

Ўз навбатида, **Италияда нашр этиладиган "Corriere Nazionale"** газетаси ҳам ўз ўқувчиларини Ислом Каримовнинг бунёдкорлик борасидаги эзгу фаолияти натижалари билан таништирди. Унда ёзилишича, "Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти шарофати билан мамлакат тарихан қисқа даврда демократик сиёсий тизимга эга бўлди, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши таъминланди ва эркин бозор муносабатларига ўтилди... Саноат тармоқлари, айниқса, кимё, тўқимачилик ва автомобилсозлик индустрияси изчил ривожланмоқда. Республикада самарали таълим тизими йўлга қўйилган, қатор нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Турин политехника университетининг бўлими фаолият юритаяпти... Ўзбек халқи келажакка ишонч билан қарамоқда".

Худди шундай мақолалар мамлакатдаги "La Repubblica" ва "Ansa" сингари бошқа оммабоп нашрлар саҳифаларида ҳам чоп этилди.

Германиянинг **"Berlin City Report"** газетасида ёзилишича, Ислом Каримов халқнинг кенг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлган эди. Давлат раҳбари 2015 йил март ойида бўлиб ўтган Президент сайловлари якунлари бўйича сайловчиларнинг 90 фоиздан зиёд овозини тўплагани бу фикрни тасдиқлайди. "Ислом Каримов раҳбарлиги даврида республика ривожланишнинг муваффақиятли йўлини босиб ўтди, — дея хулоса қилади журналист. — Шубҳа йўққи, у бошлаган иш давом эттирилади".

"Yonhap" ахборот агентлиги (Жанубий Корея) Ўзбекистон Президенти билан видолашув маросимида қатнашиш учун Корея Республикаси ҳукумати Бош вазири ўринбосари, таълим вазири Ли Жун Сук бошчилигидаги делегацияни юборгани ҳақидаги хабарни тарқатди.

"Жанубий Корея бу оғир йўқотиш ва чуқур қайғуни Ўзбекистон халқи сабр-бардош билан енгиб ўтишига ишонади", дея қайд этади агентлик.

Японияниг оммабоп **"The Japan News"** газетаси Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросимидан репортажни эълон қилди:

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах шаҳрида яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бош-қармаси тасарруфидаги собиқ олимпия ўринбосарлари мактабини ихтисослаштирилган спорт мактабига айлантиришда унинг бино ва иншоотлари тўлиқ янгиланди. Шу мақсадда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 565 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. "Сўғдиёна" спорт мажмуасидаги яккакураш спорт турларига мўлжалланган спорт зали ҳам янги мактаб тасарруфига ўтказилди.

● Андижон вилояти Асака қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида оммавий маданиятга қарши курашишда маънавий-мафкуравий тарбиянинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилояти кенгаши, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тумандаги касб-ҳунар коллежлари педагогик жамоаси, ўқувчилари, партия фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган тасвирий санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 330 ўринга мўлжалланган уч қаватли янги бино қурилишига 6 миллиард 350 миллион сўм сарфланди. "Қарақалпақжолмарс сервис қурилис" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган иншоотда замонавий шароитлар яратилган.

ЖАҲОНДА

● Қишлоқ хўжалиги машиналари тайёрлашга ихтисослашган "CaseIH" компанияси яқин уч йил ичида ишлаб чиқаришни режалаштирилаётган "АТС" номли ҳайдовчисиз бошқариладиган трактор лойиҳасини тақдим этди. Ушбу трактор одатий кабинадан холи бўлиб, бошқарувчиси ўрнини JPS тизими ва видеокамералар эгаллайди. Шу боис у сунъий йўлдош орқали бошқарилиб, тўлиқ мустақил режимда ҳаракатланади.

● Канадалик олимлар саратон хасталикларини даволаш самарадорлигини ошириб, кимётерапия оқибатларини камайтиришга ёрдам берадиган нанороботлар яратишди. Роботлар хипчинли бактериялар, магнит зарралари занжири ва турли датчиклардан ясалган бўлиб, улар организмдаги саратон ҳужайраларини топишда ёрдам беради. Зарарланган тўқималар аниқлангач, ускуналар у ерга препаратларни етказади.

● Озарбойжоннинг Жалолобод туманида жойлашган Узунтепа қишлоғида олиб борилган қазилма ишлари давомида XII асрга оид ноёб мис тангалар топилди. Хазина 273 дона тангадан иборат бўлиб, Озарбойжон миллий фанлар академиясининг радиация муаммолари институтининг радиокимё лабораториясида тозаланди. Маълумотларга қараганда, тангалар салжуқийлар ҳукмдори Арслоншоҳ (1161/1176) даврида зарб этилган.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтаётган XV Паралимпия ўйинлари Олимпиада мусобақалари каби мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли кечмоқда. Жумладан, мусобақанинг дастлабки кунида ўзбекистонлик спортчилар 3 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медалини қўлга киритишди.



ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗНИНГ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРИ

Дунёнинг 160 дан зиёд давлатидан тўрт мингдан ортиқ спортчи иштирок этаётган нуфузли мусобақада спортчиларимиз дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Терма жамоамиз аъзоларидан дзюдо бўйича 60 килограммгача вазнда Шерзод Номозов, 66 килограммгача курашчилар ўртасида Ўткир Ниғматов, енгил атлетика мусобақаларида диск улоқтириш баҳсида Хусниддин Норбековлар дастлабки олтин нишонларнинг соҳиблари бўлишди.

Паралимпия ўйинларининг иккинчи кунида мамлакатимиз спортчилари учта бронза медалларига эга бўлишди.

Кейинги кунда ҳам терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли одимларини давом эттиришди. Дзюдо бўйича вазни 100 килограммдан ортиқ бўлган спортчилар ўртасидаги беллашувларда қатнашган ҳамюртимиз Одил Тўлендибоев озарбойжонлик Илҳом Закиевни, япониялик Кенто Масакани, финалда эса бразилиялик Илса Дэ Арауҳони енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Худди шу спорт тури бўйича хотин-қизлар баҳсида Ҳайитжон Олимова кумуш, Гулруҳ Раҳимова бронза медали билан тақдирланди. Спортчиларимиз сузиш ва енгил атлетика баҳсларида яна икки бронза медалини қўлга киритишди.

Мусобақанинг кейинги кунида сузувчиларимиз юқори натижаларни кўрсатишди. Хусусан, брасс усулида юз метр масофага сузиш бўйича Фирдавс Мусабеков финалда барча рақибларини ортда қолдиргани ҳолда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, спортнинг ана шу тури бўйича юқоридаги масофага сузишда вакилимиз Фотима Омилова янада юқори натижага эга бўлди. У брасс усулида 100 метр масофани 1 дақиқаю 12.45 сонияда сузиб ўтиб, янги жаҳон рекордини ўрнатиб, терма жамоамиз жамғармасига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди.

Шу тариқа ўтган тўрт кун натижаларига кўра, паралимпиячиларимиз олтита олтин, тўртта кумуш ва ўн битта бронза медалларини қўлга киритганлари ҳолда умумжамоа ҳисобида олтинчи ўринда боришмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, РАҚОБАТДОШ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Хабар берилганидек, "Ўзэкспомарказ"да "Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME 2016" ҳамда "Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2016" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбек-енгилсаноат" акциядорлик жамияти, Савдо-саноат палатаси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмагида "ITE-Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Истиқлол йилларида енгил саноат мамлакатимиз макроиқтисодиёт комплексида муносиб ўрин эгаллади. Ўтган даврда соҳага киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 2 миллиард 500 миллион долларни ташкил этиб, бу уч юзга яқин йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш имконини берди. "Янгуан Корпорэйшн", "Текстиль Техноложис Груп" (Жанубий Корея), "Индорама Корпорэйшн", "Веригров" (Сингапур), "Ритер", "Свисс Кэпитал" (Швейцария), "Тойота Цусё Корпорэйшн" (Япония) ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар мамлакатимиз енгил саноати тармоғининг фаол иштирокчиларидир.

Янги корхоналарни ишга тушириш, мавжуд қувватларни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомашёсини қайта ишлаш ҳажми истиқлолнинг дастлабки йилларидагига нисбатан 7 баробар ортгани бунинг яққол далилидир.

Мустақиллик йилларида экспорт ҳажми 140 баробар ўсиб, географияси кенгайиб бормоқда. Маҳсулотлар МДҲ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари, Лотин Америкаси давлатлари, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Эрон ва Исроил сингари анъанавий бозорлар билан бир қаторда Покистон, Грузия, Хорватия, Нигерия каби янги бозорларга ҳам етказиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙҒУСИГА ШЕРИКДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Тиллакори мадрасасида мусулмон урф-одатларига мувофиқ, жаноза намози ўқилди. Видолашув маросими иштирокчилари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон, Марказий Осиё ҳамда бутун МДҲ макони олдидаги хизматларини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбари мамлакатда ва халқаро майдонда эркин фуқаролик жамияти ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича чуқур ўйланган стратегияни ишлаб чиққан ва ҳаётга татбиқ этган зукко, узоқни кўра оладиган сиёсатчи сифатида юксак обрў-эътибор қозонган эди”, деб ёзади нашр.

Японияниng “NHK” телерадиокомпанияси Ислом Каримов ҳақидаги махсус кўрсатувни намойиш этди. Унда Ўзбекистон Биринчи Президентининг мувофиқлашган ташқи сиёсат олиб бориш асносида минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритилди. Хусусан, кўрсатувда Ислом Каримовнинг ҳатто дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳам тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ва уни қўллаб-қувватлашга имкон берган оқилона дипломатиясига юқори баҳо берилади.

Ислом Каримов вафоти ҳамда республикамизда бўлиб ўтган мотам маросимлари ҳақидаги хабарлар “Nikkei Shimbun”, “Yomiuri Shimbun”, “Mainichi Shimbun”, “Asahi Shimbun”, “The Sekai Nippo” сингари етакчи газеталар саҳифаларида ҳам чоп этилди. Ушбу мавзу “JIJI Press”, “Kyodo News” ва бошқа ахборот агентликлари томонидан ҳам ёритилди.

Сингапурнинг нуфузли **“The Straits Times”** газетаси эълон қилган махсус мақолада қайд этилганидек, “Ислом Каримов машҳур сиёсатчи, узоқни кўра олган ҳамда стратегик фикрлайдиган, ўз халқи ва давлатига доимо ғамхўрлик қилган раҳбар эди. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан кейинги ўта мураккаб ҳамда кескин даврда унинг бошчилигида мамлакатда барқарорлик ва тинчлик ҳукм суришига эришилди. Ислом Каримов БМТ минбари орқали биринчилардан бўлиб Афғонистон ҳамда терроризм муаммосига эътибор қаратди. Бунга қарши жипслашган ҳолда кураш олиб бориш зарур эканлиги юзасидан Ўзбекистон раҳбари ҳақ бўлганлиги вақт ўтиши билан ўз тасдиғини топди”.

Хитойнинг йирик “Синьхуа” ахборот агентлиги ҳам Ислом Каримов ҳақидаги бош мақолани ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилди. Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон Биринчи Президенти раҳбарлигида мамлакатда тинчлик ва осойишталик қўллаб-қувватланди, иқтисодий ривожланиш таъминланди, халқ фаровонлиги юксалди, республиканинг халқаро обрў-эътибори сезиларли даражада ошди.

“Марказий Осиёдек мураккаб ва қарама-қаршиликларга тўла минтақада мустаҳкам давлат ҳокимиятисиз сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришиш мумкин эмас”, деб ёзади “Синьхуа”.

Таиландда чоп этиладиган “Thai Rath” газетаси эълон қилган таҳлилий мақолада эса Ислом Каримов Президентлиги йилларида Ўзбекистон қўлга киритган муваффақиятлар атрофлича қаламга олинади. Унда бизнес юритиш, иқтисодиётни диверсификациялаш, саноат салоҳиятини ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича ўтказилган ислоҳотлар натижалари, чунончи, мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлари алоҳида қайд этилади.

Исроилда нашр қилинадиган нуфузли “Jerusalem Post” газетасидаги мақолада машҳур давлат арбоби, замонамизнинг етакчиларидан бири бўлган Ислом Каримов ўзидан кучли ва гуллаб-яшнаётган мамлакат қолдиргани келтирилади. “У чорак аср давомида мамлакат қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлади, Ўзбекистон суверенитетини чеклайдиган ҳар қандай уринишларнинг олдини олди ва хавфсизликка таҳдидларга қарши самарали кураш олиб борди”, деб ёзилади мақолада.

Мамлакатнинг яна бир нашри — “Menora” газетаси эълон қилган бош мақолада “Ўзбекистон Президенти билан учрашган ҳар бир инсон унинг ўткир нигоҳи, мавзу моҳиятини бир зумда илғаб олиб, теран таҳлил қилиши ва аниқ хулосалар чиқариши каби фазилатларини хотирлашлари керак. У серқирра сиймо, миллатнинг эътироф этилган ҳамда нуфузли Йўлбошчиси эди. Халқ ва давлат манфаати йўлида хизмат қилган Ислом Каримов ўз умрини мустақил ва кучли давлат ҳамда фаровон ҳаёт барпо этишга бағишлади”, деб ёзади.

Ҳиндистоннинг оммабоп “Hindi” газетасида “Ислом Каримовнинг вафоти бутун жаҳон ҳамжамияти учун улкан йўқотишдир. Ўзбекистон раҳбари Ҳиндистон билан кўп асрлик дўстона ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш тамойилларига асосланган муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун жуда кўп ишларни амалга оширди”, деб келтирилади. Нашр журналистлари фикрича, Ислом Каримов кучли ва мустақил давлат барпо этишга муваффақ бўлди. Мамлакатда ва умуман, минтақада тинчлик ҳамда барқарорлик мавжудлиги Ўзбекистон Биринчи Президентининг асосий хизматлари сирасидандир.

Шунингдек, **“Millennium Post” газетаси (Ҳиндистон)** ёзишича, Ислом Каримов ва суверен Ўзбекистоннинг ҳаёти билан боғлиқ бутун бир давр тарих саҳифаларидан жой олди. “Президент ўз фаолияти мобайнида аҳоли турмушини юксалтириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва энг муҳими, Афғонистон муаммосини ҳал этишга йўналтирилган ва чуқур ўйланган саъй-ҳаракатлари билан бутун дунёда катта обрў-эътибор қозонди”, деб эътироф этади газета.

Покистоннинг марказий “Dayli Ittihad” нашри ўзининг таҳлилий мақоласида қуйидагиларни қайд этади: “Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёда тан олинган буюк сиймодир. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг унинг беқиёс хизматлари натижасида республика минтақанинг энг илғор мамлакатлари қаторидан ўрин олди. Ушбу давлат етакчиси ўз ҳаётини юрт манфаатларига бағишлади, унинг барқарор тараққиётини таъминлади, ташқи таҳдидларга жиддий тўсиқ қўйди. Ислом Каримовнинг республика тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги фидокорлиги ушбу юрт аҳолиси қалбидан чуқур жой олган”.

Россия оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти фаолиятига алоҳида эътибор қаратди. Федерал телеканалларда Ислом Каримов, унинг ҳаёт йўли тўғрисидаги махсус кўрсатувлар намойиш этилди. Хусусан, “Россия 1”, “НТВ”, “ТВ Центр”, “Петербург-Пятий канал”, “РЕН-ТВ” ва бошқа каналлар ушбу мавзуда таҳлилий дастурлар тайёрлаб, эфирга узатди.

Бундан ташқари, **“Российская газета”** нашри ҳам бу мавзуда туркум мақолаларни чоп этди. Уларда таъкидланишича, Ўзбекистоннинг янги тарихи Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқдир. “Республика Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкам асосини яратиб, буни стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиқди”.

Эксперт Зураб Тодуанинг “Независимая газета”да чоп этилган мақоласида “Ислом Каримов 1991 йили кўплаб муаммолар гирдобида қолган Ўзбекистонни қабул қилиб олиб, ўзидан изчил ривожланаётган, тинч ва барқарор давлатни қолдириб кетди... Қийинчиликларни енгиб ўтиш ва муаммоларни ҳал этишда шахсий тажрибаси ва билими, ўткир заковати, вазминлик билан иш тутиши, мардлиги ва мушкул ҳолатларда намоён бўладиган қатъияти қўл келди”, дея урғу берилди.

“РИА Новости”, “РосБалт”, “РБК”, “Регнум”, “Интерфакс” ахборот агентликлари, “Коммерсантъ”, “Известия”, “Комсомольская правда”, “Ведомости”, “Эксперт”, “Московский комсомолец”, “Взгляд”, “Аргументы и факты” ва Россиянинг бошқа медиатизимлари ҳам Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳамда Ислом Каримов фаолиятига бағишланган кўплаб таҳлилий материалларни эълон қилди.

Озарбайжоннинг “Тренд” ахборот агентлиги тарқатган таҳлилий мақолада қуйидаги фикрлар қаламга олинган: “Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида миллий давлатчилик, фуқаролик жамияти, тинчлик ва барқарорлик, аҳоли фаровонлиги асослари яратилди, мамлакатнинг изчил ривожланиши ҳамда равнақ топиши, янги юз йилликда кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ҳаёт даражаси юксалишининг муҳим тамойиллари, йўналишлари белгилаб олинди”.

Ўзбекистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан кўп асрлик қардошлик ва дўстлик ришталари боғлаб туради. Шу сабабли республикамиз Президентининг вафоти тўғрисидаги хабар қўшни давлатларда ҳам катта қайғу билан қарши олинди.

Хусусан, **Қозоғистоннинг “Казинформ” ахборот агентлиги** ёзишича, Ислом Каримов мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатни бирлаштириб, кучли давлат барпо этди. У юритган оқилона сиёсат натижасида республика мустақил тараққиёт йўлида катта муваффақиятларга эришди, хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатди, кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Агентлик жаҳонда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий иқтисодиёт деярли 6 баробар ўсгани, унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошгани, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари сўнгги 11 йил ичида 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланиб қолаётгани, бу эса жаҳоннинг саноқли давлатларидагина кузатилаётган натижалар эканига ўз ўқувчилари эътиборини қаратган.

Қозоғистон оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, Ислом Каримов вафоти мамлакатда катта йўқотиш, деб қабул қилинди. “Қозоғистон аҳолиси ва меҳмонлари Ўзбекистон Республикасининг Алмати шаҳридаги элчихонаси биносига гулдасталар билан келиб, ҳамдардлик китобига таъзия сўзларини ёзиб қолдирмоқда”.

“Казахстанская правда” газетаси Ислом Каримов кўпмиллатли давлатда тинчлик ва барқарорликни сақлай олган раҳбар сифатида тарихда қолади, дея таъкидлайди. “Унинг миллатлараро ва динлараро масалаларни ҳал этишдаги оқилона ёндашуви кўп сонли миллатлар ва элатлар, шу жумладан, мамлакатда истиқомат қилаётган бир миллиондан зиёд қозоқ миллатига мансуб аҳолининг ҳам ўзини эмин-эркин ҳис этишларига замин яратди”.

Туркманистоннинг марказий нашри — “Нейтральний Туркменистан” газетасида эса қуйидаги фикрлар келтириб ўтилади: “Машҳур давлат арбобини сўнгги манзилга кузатиш маросимида нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки ўн етти мамлакат ҳукуматлари делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди. Видолашув тадбирида Туркманистон, Афғонистон, Тожикистон Президентлари, Россия Федерацияси, Беларусь, Грузия, Қозоғистон ва Қирғизистон бош вазирлари, Хитой, Корея Республикаси, Украина бош вазири ўринбосарлари ва бошқа мамлакатларнинг расмий вакиллари иштирок этди”.

“Слово Киргизстана” газетаси ўз саҳифаларида Қирғизистон Республикаси Миллий фанлар академияси президенти Абдиғани Эркебаев мақоласини эълон қилган. Унда қуйидагилар таъкидланади: “Қардош ўзбек халқи билан биргаликда биз ҳам ушбу буюк давлат арбоби билан видолашмоқдамиз... У нафақат ўз мамлакати, балки биз, қирғизистонликлар учун ҳам жуда кўп ишлар қилган. Ислом Каримовнинг мамлакатимиз жанубида қонли тўқнашувлар юз берган пайтдаги буюк хизматларини эслашнинг ўзи кифоя. Бунинг учун ундан миннатдор бўлишимиз лозим!”

Шаҳриёр ТУРҒУНБОЕВ,
“Жаҳон” АА шарҳловчиси

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Пойтахтимизда мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, БМТ аҳолишунослик жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, БМТ аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Ябута ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” миллий модели оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, миллат генофондини мустаҳкамлашда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлолнинг илк йилларидан бу жабҳадаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, ташкилий механизмлари яратилди. Аҳоли, хусусан, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мукаммал тизим яратилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 августда қабул қилинган “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Оила, оналик ва болалик муҳофазасига оид кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар бунга мисолдир.

Ушбу лойиҳа доирасида маҳаллаларда саломатлик секторлари ташкил этилиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга оид ишлар кучайтирилаётир. Бу жараёнда оиладаги маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шундай кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

– Оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги инсониятнинг нафақат бугуни, балки эртанги кунини ҳам белгилайдиган муҳим омиллардан биридир, – дейди ЎзА мухбири германиялик эксперт Илона Гросс. – Бироқ дунёнинг кўплаб минтақалари, ҳатто тараққий этган мамлакатларда ҳам бу қадриятларни асрашга етарли эътибор қаратиляпти, деб бўлмайди. Ўзбекистоннинг бу йўналишда қўлга киритган натижаларига барчанинг ҳаваси келади. Мамлакатингизда яратилган замонавий тизим ва имкониятлар келгусида бу ютуқларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз.

– Келажак авлодларнинг саломатлигини таъминлашда оила ва жамиятдаги тиббий маданият муҳим омил ҳисобланади, – дейди “HM Hospitals” клиникасининг бошқарувчи директори Хавьер Каскеро Лара (Испания). – Ўзбекистонда бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий тизими яратилганига гувоҳ бўлдик. Бу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ўзига хос концепциялар амалга оширилмоқда. Инсон омилига асосий эътибор бериш, замонавий тиббий ёрдамни аҳолининг барча қатламига етказиш, оила, она ва бола манфаати устувор этиб белгиланган муваффақиятлар омили бўлмоқда. Мазкур халқаро анжуман ушбу йўналишдаги ютуқ ва тажрибаларни оммалаштириш, тиббиёт ютуқларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбир иштирокчилари Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласи ҳамда 23-оилавий поликлиникада бўлиб, ижтимоий шериклик лойиҳаси доирасида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, РАҚОБАТДОШ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)


Ўнинчи “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME 2016” ва ўн учинчи маротаба ўтказилаётган “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2016” халқаро кўргазмалари иштирокчилари кенг таркиби мазкур кўргазмаларни МДҲ ва Марказий Осиёдаги энг эътиборли экспозициялардан бирига айланганидан далолат беради. Жорий йилги кўргазмаларда Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Буюк Британия, Беларусь, Бельгия, Ҳиндистон, Италия, Нидерландия, Россия, Руминия, Туркия, Швейцария каби 22 давлатдан икки юз етмишдан зиёд компания замонавий технологиялари ҳамда маҳсулотларини намойиш этишди.

Мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларига дунё тўқимачилик саноатига татбиқ этилаётган энг замонавий технологиялар билан танишиш, етакчи хорижий ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ҳамда тажриба алмашиш борасида қулай майдонга айланган “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME” экспозициялари иштирокчилар билан гавжум бўлди. Кўргазманинг йигирув ускуналари, калавалаш машиналари, тўқимачилик, тикув, бўяш ва пардозлаш ускуналари бўлимларида тўқув ускуналари, босиш машиналари, пайпоқ автоматлари, компрессорлар, тикув игналари, сифатни назорат қилиш тизимлари, тўқувчиликда қўлланиладиган кимёвий моддалар, буёқлар сингари ишлаб чиқариш жараёни учун зарур жиҳоз ва ашёлар намойиш этилди.

“CAITME 2016” кўргазмасида етмишдан зиёд компания илк бор иштирок этди. “Beck GmbH” (Германия) тўқув калавалаш ускуналари, “Ima Spa” (Италия) бичув цехлари, “Dalgakiran” (Туркия) ва “Atlas Copco” (Қозоғистон) компрессорлари ташриф буюрувчилар эътиборини тортди.

– Ўзбекистонда тўқимачилик саноати изчил ривожланмоқда, – дейди “Beck GmbH” компанияси бош менежери Оливер Бек (Германия). – Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун дунё бозоридаги ўрнини тобора мустаҳкамлаб, рақобатбардошлиги ошиб бормоқда. Мақсадимиз, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш орқали сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Жанубий Корея тўқимачилик машинасозлиги тадқиқоти институти (KOTMI) томонидан ягона миллий стендга жамланган Жанубий Корея компанияларининг замонавий ускуналари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда “Worldro”, “Bookwang”, “Leewha”, “Samhwa Machinery”, “Ceratrak”, “DND Machinery”, “Wolrd F.L.Y” сингари табиий ва сунъий толаларни қайта ишлаш бўйича ускуна ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи компаниялар стендлари ўрин олди.



А.АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

Анъанага мувофиқ “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2016” кўргазмаси стендларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга мўлжалланган юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари кенг намойиш этилди. Экспозицияда ички ва ташқи бозорларда ўзининг доимий мижозларига эга “Uztex Group”, “Osborn Textile”, “Alkim Tekstil”, “Namangan momiq sochiqlari”, “Orange textile”, “Bofanda”, “Kortex Socks” сингари корхоналар билан бир қаторда “Lorin Textile”, “Ideal Textile Group”, “Orzu-tex”, “Diixlos” ва бошқа ишлаб чиқарувчилар илк маротаба қатнашди.

– “ThisOne” савдо белгиси билан кенг турдаги болалар, аёллар ва эркаклар либослари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, – дейди “ThisOne” масъулияти чекланган жамияти бўлим бошлиғи Зулфизар Жуманиёзова. – Ишлаб чиқариш жараёнларига малакали мутахассислар жалб этилгани, замонавий технологияларнинг кенг фойдаланилаётгани самарасида маҳсулотларимиз бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Кўргазмаларда стендларимизга катта қизиқиш билдирилаётгани режаларимиз муваффақиятли амалга ошишига ишончимизни мустаҳкамлади.

“Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME 2016” ва “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2016” халқаро кўргазмалари замонавий технологияларни соҳага кенг жалб этиш ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини янги бозорларга чиқишини рағбатлантириб, пировардида, енгил саноат тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Инсон ва қонун

Инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари устунлигига оид Конституциямизда мустаҳкамланган янги концепция бугунги кунда давлат билан фуқароларнинг ўзаро муносабатлари мазмунини белгилаб бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги принципини олий қонун даражасида мустаҳкамлади.

ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқларига ҳурмат билдириш руҳи Асосий Қонунимизнинг кўплаб қоидаларида ўз тасдиғини топган. Масалан, унинг 13-моддасини келтириш мумкин: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади".

Яна бир аҳамиятли қоида Конституциянинг 14-моддасида мустаҳкамланган, унга биноан, "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади".

Бош Қонунимизда ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида экани, барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши учун масъул эканлиги ҳақидаги муҳим қоида мустаҳкамланган. Эътиборлиси бу қоиданинг амалга оширилиши механизми қонунларимизда ўз аксини топганлигида. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонунга биноан, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, ўрнатилган тартибда шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан шикоят билан бевосита судга ёки бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Демократик жамиятда фуқаро фақат зиммасига мажбуриятлар юклатилган субъект бўлмай, балки давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятларига мутаносиб бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларга ҳам эга. Масалан, шахснинг бепул умумий таянч таълимни олиш ҳуқуқи давлатнинг аҳолига бепул умумий таълим олишни таъминлаш мажбурияти билан боғлиқдир. Конституция ўзида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш орқали, айни пайтда, давлат томонидан ушбу ҳуқуқларни таъминлаш мажбуриятини ҳам конституциявий даражада мустаҳкамлайди.

Конституция асосида чиқарилган барча қонун ҳужжатларида фақат давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб қолмасдан, балки уларни амалга оширишнинг усул ва йўллари, воситалари, механизмлари ҳам мустаҳкамланади. Бунда давлатнинг аниқ ваколатли органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг муайян соҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ёки эркинликлари ҳамда мажбуриятларини амалга оширишдаги фаолият йўналишлари, ташкилий шакллари мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби фуқароларнинг бурчлари ва мажбуриятларига бағишланган. Бу ерда жами олти моддада фуқароларнинг асосий мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Барча фуқароларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир инсоннинг энг муҳим мажбуриятларидан бири Конституция ва қонунларга риоя этиш, Асосий қонунда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришдир. Мазкур конституциявий талаб асосида мамлакатда қатъий қонунийлик режимини таъминлаш мақсади ётибди. Қонунийлик муҳити – давлатда, жамиятда мустаҳкам тартиб ва барқарорлик асоси, ҳар бир фуқаро ҳаётида тинчлик ва осойишталик бўлишининг гаровидир.

Конституция ва қонунларга риоя этиш мажбурияти ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун умумий, универсал талабдир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқарода ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракат қилишдек ички руҳий кўрсатма, эътиқод мавжуд бўлиши назарда тутилади. Конституция ва қонунларга риоя этиш – нафақат уларнинг қоидаларини бузмасликлари, балки фуқаролар ўз фаолияти, ҳаёт тарзи билан конституциявий принцип ва асосларни, қонунчилик нормаларини реал воқеликка айлантиришга кўмаклашишлари демакдир.

Юқоридагилардан ташқари, мамлакатимизда амал қилаётган ўн олти кодекс ва бошқа юзлаб қонунлар фуқаролар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёзлар билан бир қаторда уларга кўплаб юридик мажбуриятлар юклатилган. Фуқаронинг қонунда белгиланган ҳар бир ҳуқуқини таъминлаш учун давлат ва давлат органи ёки мансабдор шахс зиммасига тегишли мажбуриятларни адо этиш юклатилади.

Шундай қилиб, давлат ва фуқаронинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқлиги принципининг изчил рўёбга чиқарилиши жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар қонун воситасида тартибга солинишига, инсон ҳуқуқлари тўла-тўкис таъминланишига, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот барқарор бўлишига ишончли кафолатлар яратади.

Насиба ШОМУРАТОВА,
Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти катта ўқитувчиси
Шаҳбоз КОМИЛОВ,
институт талабаси

Диққат, болалар!

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

Ҳозирги кунда бутун дунёда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Чунки йўл-транспорт ҳодисалари натижасида иқтисодиётга катта зарар етади. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмаётган инсонлар борлигини тасаввур қилиш нақадар аянчли. Ана шундай муаммо бор экан, унинг ечимини топишда ҳамма бирдек ҳаракат қилиши муҳим.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан анъанавий тарзда, ҳар йили янги ўқув йили бошланишидан олдин "Диққат, болалар!" тадбири ўтказиб келинади. Мазкур тадбир сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади. Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – болалар ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш, улар томонидан содир бўлиши мумкин бўлган турли кўринишдаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборатдир. Ёзги дам олишдан сўнг кўпчилик болаларда ҳали ўйин-қароқлик давом этаётган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир таълим муассасасига йўл-патруль хизмати ходимлари бириктирилиб, болаларга йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатиб келмоқдалар.

Биргина Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак, шаҳардаги 310 та мактаб, 119 та коллеж ва лицей, 441 та мактабгача таълим муассасаси ва 35 та олий ўқув юртларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан машғулотлар ўтказилмоқда. Шунингдек, катта ёшдаги болаларга шу йилнинг март ойидан йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилиб, пиёдалар амал қилиши зарур бўлган бандлари бирма-бир тушунтирилди. Асосий эътибор янги қоидалардаги йўлни кесиб ўтишда, чалғитувчи воситалардан, яъни телефон, планшетлардан фойдаланмаслик, видео кўрмаслик, газета, журнал, китоб ўқимаслик ҳақидаги 19-бандига қаратилиб, ҳаётда содир бўлган аянчли ҳодисалар ҳақида мисоллар келтирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йилга нисбатан шу йил болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари 24 фоизга камайганини кўришимиз мумкин. Бу билан хотиржамликка берилишимиз керак эмас, чунки ҳар бир ҳодиса ортида, инсон ҳаёти турганини унутмаслигимиз лозим. Демак, бундай тадбирларни мавсумий эмас, доимо ўтказиб турсак, кўзланган натижага эришамиз.

Халқимизда "Йўл қоидаси – умр фойдаси" деб бежизга айтилмаган. Қоидалар мукаммал ўрганилса ва унга қатъий амал қилинсагина фойда бўлади. Уйда ота-она, таълим муассасасида ўқитувчи, йўлда йўл-патруль хизмати ходими пиёдани тартибга чақириб турса, албатта, ижобий натижага эришиш мумкин.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси бошлиғи, подполковник



ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ҳар тонг уйқудан уйғонар эканмиз, яна бир ёруғ кунга етганимизга, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч эканига шукрона айтамиз.

Зеро, тинчлик – дунёдаги энг олий ва бебаҳо неъматдир. Уни асраб-авайлаш, керак бўлса бу йўлда жон фидо этиш, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Дунёнинг турли чеккаларида содир бўлаётган турли талотўплар, кўнгилсиз ҳодисалар, хусусан айрим хорижий мамлакатларда юз бераётган хунрезликлар, улар оқибатида кўплаб тинч аҳоли, шу жумладан аёллар ва болаларнинг ҳам жабр кўраётганлиги, кимлардир бегуноҳ ҳаётдан кўз юмаётганлиги, кимлардир ўзи туғилиб ўсган юртини, ўлан тўшагини ташлаб, жон сақлаш мақсадида турли мамлакатлардан паноҳ излаб сарсон-саргардон бўлиб юрганлигини ОАВ орқали кўриб-эшитиб, қалбларимиз ларзага тушмоқда.

Маълумки, мустақиллигимизнинг ўтган йигирма беш йили мобайнида юртимизда асрларга татигулик бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари амалга оширилди. Бунинг замирида эса албатта юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ётибди.

Эл-юрт посбони бўлмиш ходимларимизнинг мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқаролар хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги самарали хизматлари эътиборга сазовордир.

Барча ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари сингари ички ишлар ходимларининг хизматлари давлатимиз томонидан эътироф этилиб, юксак баҳоланиб келинмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида мустақиллик йилларида 1,5 мингдан ортиқ ходимларимизнинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлганликларини айтиб ўтиш мумкин.

Мукофотланганларнинг 271 нафари "Буюк хизматлари учун", "Фидокорона хизмати учун", "Меҳнат шуҳрати", "Шон-шараф", "Мардлик", "Дўстлик" орденлари билан, 669 нафари "Жасорат" медали, 226 нафари "Шуҳрат" ва 182 нафари "Содиқ хизматлари учун" медаллари билан тақдирланди.

Бу эса уларни янада руҳлантириб, янги-янги зафарлар сари чорламоқда. Элу юрт осойишталигини сақлаш йўлида бор куч-имкониятларини ишга солмоқдалар. Бу эса катта фахрдир.

"Ким эдигу ким бўлдик". Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб "ўзбек модели" деб аталган ўз йўлимизни танладик. Бугун бир қанча давлатлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида олиб борилаётган ишларга ҳавас билан қарашмоқда, қолаверса, айрим жиҳатларда ўрнак олишмоқда.

Ислоҳотларгача бўлган даврда ички ишлар идоралари ходимлари оддий халқдан узоқлашиб, фақат жазоловчи органга айланиб қолган бўлса, бугун халқимиз ички ишлар ходимларини ўзига маслакдош, кўмакдош, оғирини енгил қиладиган эл посбони сифатида қабул қилмоқда.

Аммо истиқлолимизнинг илк йиллари мобайнида юртимизнинг тинчлигини, халқимизнинг фаровон ҳаётини кўра олмайдиган ёвуз ва бузғунчи кучлар мустақилликнинг илк йилларидаёқ, "тетапоя" давридаёқ бўғиб ташлаш, ўз эркини, ҳуқуқини қўлга киритган халқимиз қалбига қўрқув ва ваҳима солиш мақсадида не-не разилликларни, не-не қабоҳатларни уюштирмади дейсиз.

Ватанимиз тинчлиги, халқимиз бахти-саодатини кўролмайдиган ёвуз кучлар, гоҳ чет эллардан туриб, гоҳ "ўзимиздан чиққан балолар" тарзида, гоҳ юртимиз ичкарисида яшаб туриб пана-пастқамларда чаён-дек писиб юриб Ватанимиз тинчлигига, халқимизнинг фаровон ҳаётига раҳна солишга уриндилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда жойлардаги ички ишлар идоралари томонидан элу юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида қурбон бўлган бу ходимларнинг ўлмас жасоратларини ёд этиш, номларини абадийлаштириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилиб, уларнинг оила аъзоларига, фарзандларига доимий ғамхўрлик қилиниб, моддий ва маънавий ёрдамлар берилиб, вазирлик тизимида ўтказиладиган турли тадбирларга таклиф этилиб, совға-саломлар улашилиб, ўксик дилларга малҳам бўлинмоқда.

Дарҳақиқат, Ватан тинчлиги, элу юрт озодлиги йўлида жондан кечган ўғлонларни элу юрт ҳеч қачон унутмайди. Улар хотираси, жасорати қалбларимизда мангу яшайди. Фақат, биз тириклар уларнинг бевақт сўнган ҳаётлари ҳаққи ҳурмати, улар бизга бахш этган тинчлик-осойишталикни ҳамиша кўз қорачиғидек асрай олишимиз, бунинг учун ҳамиша огоҳ ва бедор бўлишимиз лозим.

Зеро, нур ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш абадий давом этар экан, ҳали бизнинг тинч-осойишта ҳаётимизни, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган ғанимларимиз бор эканлигини асло унутмаган ҳолда, хушёрликни асло қўлдан бермаслигимиз, юртимиз бахту саодати учун бутун халқ бир тану бир жон бўлиб курашмоғимиз лозим. Токи, бу тинч, ёруғ кунларимизга ҳеч ким, ҳеч қачон раҳна сололмасин!

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Universal Realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1.Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 2016 йил 18 февралдаги 353/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 25-уйда жойлашган умумий майдони 443 кв.метр бўлган, ҳужжатсиз 64 кв.метр, 4 қаватли ва ертўлали бино тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 1 008 989 330 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 30 сентябрь куни соат 15:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 29 сентябрь куни соат 15:00да тўхтатилади.

2.Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани СИБ томонидан 2016 йил 13 январдаги 244/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 146 Б-уйда жойлашган, умумий майдони 309 кв.метрдан иборат нотурар кўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 294 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 17 октябрь куни соат 15:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 14 октябрь куни соат 15:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Universal Realtor" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Тошкент шаҳар филиалидаги МФО-00445, СТИР-302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Қўшимча маълумот олиш манзили: "Universal Realtor" МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Телефон 150-35-55 Email universal.realtor@mail.ru

Лицензия RR-0127.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 4 октябрь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар тақроран чиқарилмоқда: 1. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 26.06.2015 йилдаги 22/15-сонли ижро варақасига асосан Яккасарой туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 3 743 429 258 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракат кўчаси, 39-уйда жойлашган ер майдони 976,0 кв.метр, умумий майдони 913,48 кв.метр, яшаш майдони 526,23 кв.метр, 13 та яшаш хона, мансарт ва ертўладан иборат 2 қаватли хонадон; 2. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги 22-сонли ижро варақасига асосан СИБ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган бошланғич баҳоси 243 385 890 сўм бўлган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 16-уй, 7-қаватда жойлашган умумий майдони 119,29 кв.метрдан иборат 153-хонадон. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "*INFI*Nbank"даги МФО:01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143. e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR-0173

"MEGA PRIDE IMPEX" хусусий корхонаси мулкдорининг 2016 йил 13 сентябрдаги 17-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 1 060 000 000, 00 сўм миқдоридан 1 055 000 000, 00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 5 000 000, 00 сўмни ташкил этади.

Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 2-уй.

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 30.11.2015 йилдаги 15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, "AVTO PLAZA SERVISE" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган "Опел Омега" русумли, бошланғич баҳоси – 25 000 000 сўм, д/р 01R703MA бўлган, 2003 йил и/ч, ранги кулранг автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 октябрь соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 14 октябрь соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.







И.ИСМОИЛОВ олган суратлар

Футбол янгиликлари

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ УЮШТИРИЛАДИ

Жорий йилнинг ноябрь ойида киберфутбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказиладиган бўлди.

Илк марта Ўзбекистон футбол федерацияси, Профессионал футбол лигаси кўмагида "Virtual Football" компанияси PCFL (Professional Cyber Football League) лигасининг дастлабки мавсумини ўтказиш бўйича маълум қилинди. Дастлабки чемпионатда пойтахтимиз жамоаси "Пахтакор" шарафини икки киберфутболчи — Равшан Турсунов ва Исроил Рихсиев ҳимоя қилади. Шунингдек, ушбу турнирда "Бунёдкор" вакиллари ҳам иштирок этишади. Вилоят ва шаҳар саралаш ўйинларида ғолиб бўлганлар Республика Гранд финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Гранд финалда кучли 16 таликка кирганлар олий лигада, кучли 32 таликка кирган қолган 16 иштирокчи биринчи лигада ўйнайди. Иккала лига баҳслари профессионал футбол каби 7-8 ой давом этади.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Август ойи якунларига кўра пляж (соҳил) футболи бўйича терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон терма жамоаси 57-ўринга лойиқ кўрилди. Июль ойи якунларига кўра эълон қилинган рейтингда 56-поғонадан ўрин эгаллаган терма жамоамиз бир поғона пастлади.

Қитъамизда Ўзбекистон терма жамоаси тўққизинчи ўринни банд этди.

Жаҳон миқёсида рейтингни Португалия терма жамоаси пешқадам сифатида бошқариб бораётган бўлса, фахрли 2-3-ўринлар Россия, Бразилия терма жамоаларига насиб этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Шаҳримиздаги "Локомотив" маданият ва истироҳат боғи Мирзо Улуғбек туманида жойлашган. Умумий майдони 7,15 гектарни ташкил қилади.

Боғ "Фаввора", "Болалар аттракционлари", "Арқонли шаҳарча" спорт майдони, "Шарқ боғи" ҳудудларидан иборат.

Боғ бинолари автоматик равишда ёнғиндан хабар берувчи мосламалар, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган. 36 та аттракционнинг 15 таси ёш болалар, қолган 21 таси ўрта ва катта ёшдагилар учун хизмат кўрсатади.

Истироҳат боғи марказий йўлакларида дунёнинг етти мўъжизаси кўринишида, "Акрополь биноси", "Самонийлар мақбараси", "Тожмаҳал биноси", "Пиза", "Эйфель" миноралари ҳамда "Пирамида" макетлари қурилган.

"Фотосуратлар дунёси" ҳудудида болажонлар турли хил ўйинчоқ ҳайвонлар билан расмга тушишга ошиқишади. Айниқса, "Автомат ўйинлари", "Ютуқли ўйинлар", "Балиқ овлаш", "Окулис", "Иллюзия хонаси", "Сув цилиндри", "Пульти бошқарув машиналари", "Болалар батути" аттракционлари доимо болалар билан гавжум.

Ёшлар "Занжирли карусель" аттракционидаги ичи қип-қизил тарвузнинг ярмидан қилинган ўриндиқларга маҳлиё бўлиб, учишга жуда ҳам катта хоҳиш-истак билдиришяпти. Кичик ёшдаги болалар "Bonus game" – найза санчиш, "Сеними, шошмай тур!", "Замбаракли жанг! Пиф-паф!", "Ҳалқани ирғит", "Пуфакни ёр" ўйинларини ўйнашни ва истироҳат боғи бўйлаб енгил машиналарни ҳайдашни хуш кўришади. Боғга ташриф буюрган катта-кичикнинг мароқли дам олишлари учун ювиниш-кийиниш, она ва бола хоналари ташкил қилинган.

Боғ ҳудудида эшитилиб турган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сокин куй ва қўшиқлар сайр қилиб юрганларнинг кўнглига ором бағишлайди.

Ориф ЖУМАЕВ

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

* * *

Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг асоси.

* * *

Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

* * *

Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди.

* * *

Лабзи ҳалолнинг — юзи ёруғ.

* * *

Кексаларни этсанг азизу ҳурмат, сени ҳам кексайгач этишар иззат.

* * *

Умрнинг ҳар бир палласи, айниқса, кексалик ибрат.

* * *

Қариси бор уйнинг париси бор.

* * *

Кекса уйнинг фариштаси, Саранжому сариштаси.

* * *

Кексаликни донолик безар, Ёшликни — камтарлик.

* * *

Инсон хотирасини унинг ҳаёти каби азиз ва муқаддас билиш керак.

* * *

Ўз умрини халқ бахти-саодати, эл-юрт равнақи йўлига бахшида этган чин инсонларни ҳурмат билан ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш хайрли ва эзгу ишдир.

* * *

Хотира – ўтмиш билан бугунни боғловчи ўзига хос кўприкдир. Унинг бизга келажак учун зарурлигини доимо хис этишимиз керак.

* * *

Ҳотиржамлик – энг улуғ неъмат.

* * *

Кўпнинг дуоси яшнатар.

* * *

Ҳаётни эзгулик безайди.

* * *

Дунё фидойилар туфайли пойдор.

* * *

Кексалар ҳурматини чин дилдан бажо келтирувчи киши бахтлидир.

* * *

Кексага кўмак бер – суянган тоғинг,
Буни тушунасан қариган чоғинг.

* * *

Ёши улуғ, доно инсонлар – жамиятимиз кўрки.

* * *

Одоб билан бахт, сабр билан тахт топилар.

* * *

Уста бўлсанг, устозингни унутма.

* * *

Инсонни илм-маърифат ва одоб улуғлайди.

Яккасарой туманидаги 59-оилавий поликлиникада Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ҳамкорлигида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида "Ҳудудларга берилган асбоб-ускуналар мониторингини ташкил қилиш тартиби" мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

Тиббиёт

АМАЛИЁТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

"Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш бюроси директори Л.Саиджонова ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тадбирда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида Жаҳон банкининг кредит маблағлари ҳисобидан харид қилинган тиббий-асбоб ускуналар ва жиҳозларни Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникаларга етказилиб берилган мониторингини ташкил қилиш тартиби, қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, ўрганилиши, мақсадли ишлатилиши ҳамда техник хизмати бўйича тасдиқланган йўриқномага риоя этилиши борасида кенг тушунча ва тавсиялар берилди.

– Бугунги кунда юртимиздаги мавжуд барча тиббиёт муассасалари дунё стандартларига жавоб берадиган, энг замонавий тиббий технологик ускуналар билан таъминланган, – дейди 59-оилавий поликлиника бош шифокори Раъно Носирова. – "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида олиб келинган тиббий асбоб-ускуналарни қабул қилиш, ҳисобга олиниши, ўрганилиши, мақсадли ишлатилиши борасида муассасамизнинг умумамалиёт шифокорлари ва ҳамширалари билан уч гуруҳга бўлиниб иш олиб борилди. Олиб борилаётган тадбирлар, ўтказилаётган семинарлар замирида инсонларнинг саломатлигини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш ва энг асосийси ўз касбимизга яна масъулият билан қарашга, зийракроқ бўлишга ҳамда ишимизга виждонан ёндашишга даъват этди.

Тадбирда 59-оилавий поликлиниканинг умумамалиёт шифокорлари ва ҳамширалари уч гуруҳга бўлинган ҳолда, акушер-гинеколог, педиатрия, терапия бўлимлари мисолида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида олиб келинган тиббий ускуналарнинг ишлатилиш усулларини йиғилганларга кўрсатиб бердилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

"101"

ЁНҒИН ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, ёнғин ўз-ўзидан ҳеч қачон келиб чиқмайди. Унга арзимаган бир туртки керак. Қуёш нурлари остида ётган чиқинди ва ўт учун биргина чўғнинг ўзи кифоя. Ўтиб кетаётган йўловчи тутаб турган сигарета қолдиғини ташлаб ўзи билмаган ҳолда ёнғин сабабчиси бўлади.

Назоратсиз қолган болажонлар эса чиқиндиларни ва очиқ майдондаги қолиб кетган қуруқ ўтларни ёқиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Эҳтиётсизлик ва бепарволикдан келиб чиққан ёнғинлар катта талофатларга ва кўплаб ҳолларда инсон ҳаёти учун фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар бир инсон тушуниши муҳим.

Ёнғин чиқмаслиги учун жойларда тозалаш ишларини кучайтириш лозим. Шу жумладан айтиб ўтиш жоизки, йиғилиб қолган чиқиндилар, маиший чиқиндилар ва эскириб қолган кабель симларини ўз вақтида олиб ташлаш, болаларга эҳтиёткорликни ўргатиш ва маскан ҳудудида тамаки маҳсулотини чекиш айниқса тез аланга олувчи нарсалар, буюмлар, суюқликларни алоҳида махсус омборхоналарда сақланишини таъминлаш даркор. Шундагина биз осойишталигимизга рахна солувчи хавфни камайтиришга эришамиз.

Комронбек ЖЎРАЕВ,
23-ҲЁҲҚ смена бошлиғи,
катта лейтенант

МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ

Жойлардаги оқар сувларни исроф қилинишининг олдини олиш, мавжуд сув ҳовузларини тўлдирилган ҳолда асраш ва уларнинг ёнғинга қарши техник ҳолатини яхшилашга оид тадбирларни амалга ошириш маҳаллий идора ва ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалардан.

Ўтган давр мобайнида Яшнобод тумани ҳудудида ёнғинга қарши сув таъминотини яхшилашга эътибор кучайтириб борилди. 8-ҲЁХО 4-ҲЁҲҚ ҳудудида 351 та ёнғин ўчириш ер ости гидранти ва 35 та сув ҳовузи мавжуд бўлиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уларнинг ёнғинга қарши техник ҳолати ўрганиб чиқилди. Шу билан бирга уларга ёнғин ўчириш автомобилларнинг бориш йўллари, ёнғинга қарши ер ости гидрантларнинг носозлари соз ҳолатга келтирилди. Шунингдек, сувсиз жойларда сув ҳовузларини барпо этиш, ободонлаштириш бошқармалари билан биргаликда сувсиз ҳудудларда юз бериши мумкин бўлган ёнғинларга сув ташувчи автомобилларни жалб этиш юзасидан икки томонлама келишув асосида ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди.

Сарвар ҚОДИРОВ,
Яшнобод ТИИБ ЁХБ 8-ҲЁХО
4-ҲЁҲҚ смена бошлиғи,
катта лейтенант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Хизматлар лицензияланган. Маҳсулот сертификатланган.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1228

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 16.35

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ